

МУАЙЯН ЯШАШ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Ички Ишлар Вазирлиги
Академияси 316-гуруҳ курсанти
Муродов Озабек Ўктам Ўгли*

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш ҳамда барҳам бериш жараёнида профилактика инспектори томонидан амалга ошириладиган ишларни самарали юритиш, шу орқали профилактика инспектори томонидан ўзига бириктирилган ҳудудда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали алгоритм ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашда эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатлар тўғрисида маълумотлар, айтилган жараёнда юзага келаётган муаммо ва камчиликлар, уларга барҳам бериш юзасидан таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, профилактика, реабилитация, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс, дайди, тиламчилик, алгоритм, хориж тажрибаси,

ОСОБЕННОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО РАБОТЕ С ЛЮДЬМИ, НЕ ИМЕЮЩИМИ ОПРЕДЕЛЕННОГО МЕСТА ЖИТЕЛЬСТВА

Аннотация: В данной статье необходимо обратить внимание на работу профилактического инспектора в процессе предупреждения, борьбы и устранения нарушений, эффективно проводить работу, выполняемую профилактическим инспектором, тем самым разработать эффективный алгоритм предупреждения нарушений, совершаемых профилактическим инспектором. инспектором в закрепленной за ним области и по борьбе с нарушениями. Выделены сведения об аспектах, проблемах, возникающих в этом же процессе, недостатках, предложениях по их устранению.

Ключевые слова: правонарушение, профилактика, реабилитация, иногородний, скажем, попрошайничество, алгоритм, зарубежный опыт.

Давлатимизда олиб борилаётган одил сиёсат шу юртда яшовчи барча фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ва уларнинг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашга қаратилгандир. Шу боис ҳозирда давлат томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар биринчи ўринда инсон манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқилмоқда ва қабул қилинмоқда.

Жамият ривожии билан бирга содир этиладиган жиноятларнинг турли кўринишлари ва турлари ҳам кўпайиб бормокда. Жумладан, бугунги кунда диний экстремизм ва терроризм, одамларни ёллаш жиноятлари ва бошқалар. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг кўпчилиги қисми ишчи ўринларига бўлган рақобатга дош бера олмаслиги оқибатида ишсизлар сонини ошишига олиб келади, албатта бу бозор иқтисодиётининг қонуни ҳисобланади, шу муносабат билан бугунги кунда ишсизликнинг олдини олиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги ишчи ўринларини яратиш борасида жуда кўплаб ташкилий чора-тадбирлар олиб борилмокда. Бу эса Ички ишлар органларидан жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан тегишли профилактик ишларни амалга ошириб боришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 26-апрелдаги “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 309-сонли қарори билан реабилитация марказларининг мақоми, уларнинг асосий фаолият йўналишлари, вазифалари, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш, уларни сақлаш, реабилитация қилиш тартиб-қоидалари белгилаб берилди, шунингдек ушбу тоифадаги шахслар билан ишлаш фаолиятининг асосий тушунчалари кўрсатилди. Хусусан қарорда қуйидаги тушунчалар берилган:

- реабилитация маркази - муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача маъмурий суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган ички ишлар органлари тизимидаги давлат муассасаси;

- муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс - шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд яшаш жойи бўйича ҳисобда турмаган, ғайриижтимоий ҳуқуқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс.

Фуқароларда қуйидаги хусусиятлар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга айланишига олиб келиши мумкин:

- боқимандалик;
- ижтимоий фойдали меҳнат қилишга истагининг йўқлиги;
- бошқаларнинг ҳисобига яшашни хохлаши;
- маънавий тарбиясидаги камчиликлар;
- сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳванликка ружу қўйиши;
- ўз ҳуқуқларини билмаслиги;

- ўзига тегишли мол-мулкка эътиборсизлиги ва натижада яқин қариндошлари томонидан унга тегишли бўлган мол мулкларини ўзлаштириб олиниши, уй-жойларини сотиб юборилиши, ўзлаштирилиши ва бошқалар.

Қўйидаги камчиликлар муайян яшаш жойига эга бўлмаган тофадаги шахсларнинг жамиятда шаклланишига олиб келади:

- бошқарув соҳасидаги камчиликлар;
- фуқароларнинг маънавий-сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий тарбиясидаги камчиликлар;
- меҳнатга боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш йўлидаги камчиликлар;
- ижтимоий-иқтисодий соҳадаги камчиликлар;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан профилактик чораларни амалга оширишдаги камчиликлар.

Дайдиллик ва тиламчиликнинг мавжудлиги жамият аъзоларига қўйидаги салбий таъсирлар кўрсатади:

- фуқаролар, айниқса вояга етмаганларнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши;
- шахснинг ўзлигини йўқотишига олиб келиши;
- ўғирлик, босқинчилик, талончилик жиноятларининг содир этилиши;
- юқумли касалликлар тарқалиши;
- жамиятга зид қарашларнинг пайдо бўлиши;
- хорижий давлатлардан келган чет эл фуқарорларига шу мамлакатга бўлган қарашларнинг ёмонлашуви ва бошқалар.

Дайдилар қўйидаги психологик хусусиятларга эга:

- юзида кўп ичкилик ичишнинг асорати қолиши, юзида шиш бўлиши ва ажинларнинг кўплиги;
- соч ва соқолнинг ўсиб кетиши;
- эскирган, йиртиқ, ифлос кийимларда юриш;
- ҳамма нарсаларини халтада ёки сумкада олиб юриши;
- юз ва кўзларида бефарқлик, ғамгинлик мавжудлиги, ҳамма нарсани ароқ учун қурбон қилишга тайёрлик;
- теварак атрофга, ҳатто ўзининг тақдирига ҳам бефарқлик.

Тиламчилар қўйидаги психологик хусусиятларга эга:

- ёмон кийиниб ўзларини камбағал ва бечора сифатида кўрсатишади (одамларнинг раҳмдиллигини уйғотиш мақсадида);
- кўп ҳолларда маҳорат билан ўзини касал ҳолатга солишади;
- жисмоний ва руҳий камчиликларини кўз-кўз қилишади;

–шароитга мослашиш учун ҳар-хил хатти-ҳаракатлар қилишади ва турли хилдаги одамларнинг психологиясини яхши билишади ва мулоқотга тез киришади.

Таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторининг асосий вазифалари бу борада бундай шахсларни мунтазам равишда назорат қилиш, уларга доимий равишда ижобий таъсир кўрсатиш ҳамда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг шахсини аниқлаган ҳолда керакли профилактик чораларни амалга ошириш жамиятдаги турли салбий ижтимоий иллатлар содир этилишининг олдини олишга кенг имкониятлар яратади.

Бундан ташқари бу каби салбий иллатларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриш, сурункали ичкиликбоз ва гиёҳвандликка мубтало бўлган фуқароларни аниқлаш, улар билан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этиш, оилавий аҳволини, яқин қариндошларининг муносабатини ўрганиш, оилалардаги ички муҳитни таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда фуқароларга яқиндан ёрдам бериш, аҳолининг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини яхшилашга қаратилган профилактик тадбирларни кучайтириш, ишсизликни бартараф этиш борасидаги ишлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015-йил 12-июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон фармони
2. Исмаилов ва бошқалар ИИО ларининг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш. Дарслик т.2011.
3. М.Зиёдуллаев Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш.т.2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи;
5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017-йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи;
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2020-йил якуни бўйича ахбороти
7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги 2021-йил якуни бўйича ахбороти
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 22.10.2021 йилдаги ПҚ-5263-сон қарори